

ШАРТНОМА № 2

Урганч шаҳар

«02» февраль 2022 йил

«Тилло Домор» Хусусий кархонаси бундан буён матнда «Сотувчи» аталувчи номидан раҳбари Шарипов У. фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Вилоят болалар уйи бундан буён матнда «Харидор» аталувчи номидан раҳбари Дзугаева Л.Р. фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» шартномада кўрсатилган маҳсулот(лар)ни етказиб беради, «Харидор» эса шартномада кўрсатилган маҳсулот ҳақини ўз вақтида ва белгиланган тартибда тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

№	Маҳсулот тури	Ўл. бир.	Миқдори	Нархи	ҚҚС суммаси	Умумий қиймати
1	Молоко пастеризованное	литр	397	3625	187712	1439125
2						
3						
4						
5						
6						
7						
8						
9						
10						
11						
	Жами:					1439125

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати 1 439 125 (Бир миллион тўрт юз уттиз тўққиз минг бир юз йигирма беш) сумми ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 3 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури : пул ўтказиш

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин, шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган фоиз миқдори ўтказилгандан сўнг 1 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил «02» февралдан 2022 йил «31» декабргача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Харидор»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;